



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 25 май № 109 (3384) Сешанба

Сўнги кўнғироқ — мустақил ҳаётга Чорлов

Бу йил республикамиздаги 9.727та умумтаълим мактабларини 894 минг 555 нафар 9 ва 11-синф ўқувчилари битираяпти



Мана яна бир ўқув йили ўз ниҳоясига етди. Бугун яна юз минглаб битирувчилар ўз қадрдон мактаблари билан хайрлашадилар. Бу воқеа ҳар йили алоҳида тантана билан нишонланади. Сўнги кўнғироқ...

Шу кун битирувчилар наздида ўзлари таълим олган мактаблари ҳар кунгидан ўзгача, ҳар кунгидан чиройли, соғинчли туюлади. Меҳрибон устозларнинг сабоқлари, таълим-тарбияси, ўғитлари ёда тушаверади. Синфдошлар эса бу кун бир-бирларига янада ғамхўр, сирдош. Орзу-умидлар, таассуротлар ҳажонли хаблларга чулғиб кетган.

Келажакимиз — ёшларга бўлган ишонч, умид турбди. Бугунги кун мактаб битирувчилари эса халқимизга хос бўлган ишжонат билан катта мақсадлар сари интиладилар ва юртимиз мустақиллиги, тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайинландилар.

Гимназия фаолияти шонч, умид турбди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган 2000 нафар ўқувчи орасида гимназия ўқувчилари фольклор жанрида фахрли 1-ўринни эгаллашди. Бу билан улар ёш бўлишига қарамай, юртимиз номини яна бир бор дунёга таратдилар.



Улар ҳақида маҳаллий «La Riviera» газетасида ҳам ёзилади.

Улар ҳақида маҳаллий «La Riviera» газетасида ҳам ёзилади. Биз уларнинг ишонч ва секин балқиган чеҳраларига қараб «Мустақил қадимизга равон бўйсин, оқ йўл сизга!» дея тилак билдириш қоламиз. Э-юрт ишончи, устозлар сабоғи, ватан туйғуси уларни эзгу мақсадлар сари албатта элтажаск.

Партия сайловга тайёрланмоқда

24 май кун Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгазининг йиғилиши бўлди. Унда партиянинг ижтимоий базасини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар, ҳудудий ташкилотларни сайлов кампаниясига тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Фармонни ўқиб...

Республика таълим тизимида бошланган ислохотлар тобора чуқурлашиб борапти. Шу ислохотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда принципиал янги турдаги ўрта махсус, касб-хунар таълим тармоғи вужудга келди. Олий таълим эса жаҳон андозалари талаблари асосида қайта ташкил этилиб, таълимнинг бакалаврлик ва магистратура босқичлари шаклида олиб бориламоқда.

Мактаб — туб ўзгаришлар арафасида

Вазирлар Мақамасининг 2003 йил якунига бағишланган йиғилишидаги маърузасида Ислам Каримов мактабларнинг ҳозирги аҳолини танқидий таҳлил этиб, айнан шу йиғилишда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича махсус Давлат дастурини ишлаб чиқишга чуқур ҳаётий зарурят борлигини таъкидлади. Орадан кўп ўтмай, 19 февраль кун Юртбошимизнинг худди шу масалада доир Фармойиши эълон қилиниб, унда яратилади Дастурга асос бўладиган 5 та йўналиш белгилаб берилди.

АФГОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING TAШРИФИ

Мамлакатимизга ташириф буюрган Афғонистон Утиш Ислам Давлати ахборот ва маданият вазири Махдум Раҳим бошчилигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов билан учрашди.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот кўмитасининг депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари ўтган ҳафтада Қашқадарёда бўлдилар.

Улар, олдиндан белгиланган назорат-таҳлил режасига қўра, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятдаги ижросини ўргандилар. Шу мақсадга газеталар, радио ва телевидениелар таҳрирларидан бўлиб, ижодий жамоалар фаолияти билан қизиқдилар. Журналистлар эришаётган ютуқларни, Қарши муҳандислик иқтисодий институтида Олий Мажлис депутатларининг талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Хам назорат, ҳам мулоқот

Улар дуч келаётган муаммоларини, соҳада йўл кўйилаётган камчиликларни аниқлашга интилдилар. Вилоят кутубхонасининг мухташам мажлислар залида парламент кўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан «Ахборот эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси

Парламент соати

Уткир Хошимов оммавий ахборот воситаларида оид қонунлар моҳияти ва матбуотни эркинлаштириш, шунингдек олий ва маҳаллий органларга сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш тўғрисида маъруза қилди. Ушбу кўмита раисининг ўринбосари Иброҳим Фафуров матбуот эркинлиги жамиятини демократлаштиришнинг муҳим омилли эканлигини, адади ниятда озлиги, жиддий қийинлар, танқидий-таҳлилий кўрсатувлар, эшиттириш ва мақолалар камлигини таъкидладилар.

ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

ларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарорда контрактация шартномаларининг тузилиш тартиблари белгилаб берилган. Адилия вазирлиги томонидан шартноманинг намунавий лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли тайёрлов ташкилотларига етказилган. Лекин шунга қарамадан, айрим тайёрлов ташкилотлари томонидан ўз манфаатларини кўзлаб кўриш шартномаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши ҳолатлари учрамоқда. Бу иш вилоят адилия бошқармаси томонидан ўрганилганда, шартномаларнинг 1672 таси амалдаги қонунчилик талабларига ҳилоф равишда тузилганлиги маълум бўлди.

нома киритилиб, шартнома лар қайтадан тузилди. Бундан ташқари, мавжуд камчиликлар ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилотлар раҳбарлари номига 57 та тақдирнома киритилди. Улар асосида 18 нафар мансабдор шахс интизомий, 10 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Бир қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида вилотя прокурори номига тақлиф киритилди. Вилотя «Қишлоқхўжалиқимё» акциядорлик бирлашмаси Шахрисабз филиали ҳуқуқшуноси С. Ғаипов, Қарши нефть базаси махсус

«Фалла — 2004»



уруғ ташлаш тиғиз паллага кирган бўлса-ю, хоким галлачиллик муаммолари билан шуғулланиб юрса? Бу саволига хоким билан учрашиб, ўринли жавоб тоғдим.

шоқ тортгани, зараркундаларга қачон ишлов берилгани, неча марта сугорилгани, озиклантирилгани билиб оласиз. Тошлоқликларнинг бу ибратли ташаббуси бутун вилоятда кенг қулоч ёймоқда.

СОХТАКОРНИНГ НАЙРАНГИ

Шўрчи Қосимов деган йигит антиқа раҳбар қикди: «Шўрчи-Бунёдкор» корхонасини, уч йилча, бошқариб, газеталарнинг бири ёзганидек, юғриб-елиб ишлаш ўрнига кроссвордларга термулги вақт ўтказибгани учунми, икки марта ишдан бўшатилиди. Икки мартагина сувдан қуруқ қилиб, ишлаверди. Унча-мунча буйруқлар билан ишдан кетадиган анойи эмаслигини яна бир бор кўрсатиб қўймоқ учунми, пай аёзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини оёқости чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги Қонуннинг IV боб, 29-моддасига хилоф иш тутди. Корхонанинг кунига 20 тонна ун ишлаб чиқарадиган ва хорижий илор технологияси билан жиҳозланган тегиримон цехини бир фирмага ҳуфйёна равишда арзон-гаровга сотиб юборди.

Ҳосилдорлик 50 центнерга етади!

— дейишмоқда фарғоналик галлакорлар

Вилоят галлакорларининг қатъий ва дадиллик билан ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ҳақидаги лафзи пухта заминга эга. Донга тўла бошқор салмоқлари бораётган галлазорларда ҳар йилгидан мўл ҳосилди пишиб етишмоқда. Йилдан-йилга ҳосилдорликнинг ошиб бораётганини ҳам водийлик «олтин бошқор» бунёдкорларининг интилиши ниятлариға ёндаш, муродлари фараҳбахш эканлигини кўрсатиб турибди. Агар 2001 йилда вилоят бўйича ҳосилдорлик 33,9 центнердан ташкил этган бўлса, орадан йил ўтиб, бу кўрсаткич 48,7 центнерга етди. Янги хирмон ярим миллион тоннадан ошди. Давлат захира-ларига жамғирилган дон эса 300 миң тоннага етиб қолди.

сақлашни унутиб қўяр эканмиз. Чунки қўқлам забитга олган пайтида галла бошоқлари сутга қиради, донга тўлади. Агар шу пайтда зангинг олдини олмасак, ҳосилни бой бериб қўямиз. Утган йили ўндан зиёда фермерлар галла ҳосилини зараркундаларга олдириб қўйди. Уларни тўллаб, ҳосилдорликни ҳўжалик бўйича 70 центнердан оширган «Оқолтин», «Заркент» ширкат ҳўжаликларида олиб борилаётган ишлар билан эриммай даламдала таништириб чиқдим.

Тошлоқ туманида галлага ҳам пахтадаги муносабат-да бўлиаётганилиги ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ўтган йили туман бўйича ҳосилдорлик ўртача 65 центнерни ташкил этди. Бу йил эса 70 центнерлик маррадан ўзини тошлоқликлар аниқ манзил, деб баҳоласанмоқда. Туманда ҳар бир галла майдони ўз ағасига топиширилган. Сал шира ораласа, ўрғимчакка-на ин қўйса, занг касалигининг хавфи сезилса, бутун ширкат оёққа қалқийди. Бегона ўт боғдан майдонни деярли уратмайсиқ. Ҳар бир пайкал бошига қоқилган тахтачадан галла қачон экилгани, униб чиққани, бо-

(Давоми. Боши 1-бетда).

хида эътибор берилди. Бугунги кунда бошланғич қуйи ташкилотлар сони 3,5 миңдан ошди. Шу билан бирга, йилгилида партия фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар ошқора танқид қилинди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлида аввало партия Дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарурлигиға эътибор қаратилди.

Партия сайловга тайёрланмоқда

Айниқса, мамлакатда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларга тайёрларлик бораётган ҳозирги шароитлар турмуш даражасини ахшиллаш, мулкдорлар давлат ва жамият тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг асосий омиллиға, иқтисодиётнинг етакчи қучиға айланиши ўз аксини топан истиқболли дастурларни бўлиши кераклиги қайд этилди.

Партия наشري — «ХХI аср» ижтимоий-сийсий газетаси фаолияти билан боғлиқ масала ҳам қўриб чиқилди.

Йилгилишда ташкилий масала қўрилди. Қўблжон Тоғмамодов партия сийсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси вазибасидан озод қилиниб, сийсий кенгаш ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига тасдиқланди. «Тошкент трактор заводи» акционерлик жамияти бош директори Мухаммаджон Аҳмаджон партия сийсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси этиб сайланди.

Мухомад этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Илгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, партия сийсий кенгаши аъзоси Ш.Мирзиёев сўзға қикди. (У.А.)

Меҳрибонлик уйуган — коллежга

Хива шаҳар 20-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг Хоразм вилоятидаги мавжуд лицей ва коллеж раҳбарлари, туманлар ҳокимликлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир республика Халқ таълими вазирилик ва «Сен ёлғиз эмас-

сан» республика болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Урашувида лицей ва коллеж раҳбарлари уларнинг билим юртлири ҳақида гапириб бердиллар. Битирувчи тарбияланувчилар ҳам ўз навабатида қайси касбини, хунарни эгалламоқчи эканликлари,

қизиқишлари ҳақида сўзладилар. Энди Меҳрибонлик уйининг 25 нафар битирувчиси янги ўқув йилида вилоятдаги турли коллеж ва лицейларга ўқишга имтиёзли қабул қилинаётгани бўлди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Илм бор жойда улуглик бўлар»

Жиззах шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби бежиз «Ил мактаби — 2003» республика кўриктанови саройида бўлган эмас. 2380 нафар ўқувчи таълим олаётган бу зиё мактабининг ўзгача файли, таровати бор. Ўқитувчилари ҳам, ўқувчилари ҳам доим изланишда, бирор ташаббус кўрсатиши пайида.

Утган йили мактабда кўчирчоқ театри очиларми, деган гап тарқалганда, баъзилар шубҳа билан қараганда, йўқ, ўқувчилар ўртасида бу борада анча-мунча қобилиятлилар бор экан. Дастлаб тўзғарак, кўп ўтмай театр, деб юритилган жамоа ҳозир вилоятда анча таниқли. Улар болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари, мактабларда турли томошалар кўрсатиб, катта муваффақият қозонишган.

Мактабининг ўзига хос ана бир томони шундаки, бу ерда 1996 йилда банк синфлари ташкил этилган. Бу, рақобатбардosh кадрлар тайёрлашни айнан мактаб бўсағасидан бошлаш керак, деган гапнинг тасдиғидир. Республика Халқ таълими вазирилик ҳамда Банклар уюшмаси ташаббуси билан машғулотларни бошлаган банк синфларини шу кунгача қўлаб ёшлар битириб чиқди.



Ҳа, бундай муассасаларни кўриб, аллоҳлардан биринчи «Илм бор жойда улуглик бўлар» деган нақш ёнда тушади. Юртимизда билимга бой масканларнинг қўлайлиги эса дилларни хушнуд элатибди.

СУРАТЛАРДА: мактаб директори Г. Каримова бўлажак тадбиркор шогирдлари даярасида; ўқувчиларнинг кўчирчоқ театри жамоаси машғулот пайтида.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ олган суратлар.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Бозор иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида Бозор иқтисодиёти шариоитида қишлоқ ҳўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш — самарадорлик гарови

Икки кун давом этган анжуманда агросаноат мажмуиға кирувчи вазирилик, қўмита, компания раҳбарлари, соҳада илмий иш олиб борувчи муассасалар олимлари, шунингдек, халқаро Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ ҳўжалиги тадқиқотлари (Икардо) маркази ва Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ёрддам лоийҳаси вакиллари иштирок этишди.

Таъкидландики, ер, минерал ўғит, ёнилғи, сув, техника воситалари ва кредит маблағларини оқилона ишлатган ҳолда юқори натижаға эришиш мумкин. Лекин, шунини айтиш лозимки, кейинги пайтларда республикамиз-

да бу борадаги аҳволни қониқарли, деб бўлмайдми. Масалан, 1 гектар ерга сарфланаётган сув микдори қишлоқ ҳўжалиги тараққий этган давлатлардағига нисбатан 2-2,5 марта кўпдир.

ШАРТНОМА БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

агар у ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузилган бўлса

фоизини календарь йилининг 1 январь кунига қадар тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши белгиланган бўлса-да, «Фузур пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти тузилган шартнома шартларини бажармасдан келган. Шу сабабли вилоят адлия бошқармаси томонидан 75 та фермер ҳўжалик манфаатини кўзлаб ҳиссадорлик жамиятидан жами 34453650 сўмлик ҳомашё ҳақини ундириш ҳақида давво аризалари ёзилган. Биргина «Янги ер» фермер ҳўжалиги ушбу жамият томонидан 1.080.000 сўм тўланмаган. Боз устиға, тўлов муддати ҳам кечиктирилган. Шунинг учун 345.660 сўм пеня ундириш ҳақида ҳўжалик судиға давво аризаси берилган.

Яна бир нарсаси. У ҳам бўлса, фермер ҳўжалиқларининг ҳизмат кўрсатувчи ташкилотларда маблағлари бўла туриб, уларға ҳизмат кўрсатилмаслиғидир. Масалан, «Қишлоқҳўжалик» бирлашмаси Касби тумани филиалиға фермер ҳўжалиқлари олдидан тўловни амалға оширган бўлишлар-

нинг ҳуқуқий саводхонлиги етишмаган. Вилоят ҳўжалик судиға биринчи қоракда келиб тушган давволар бўйича қўрилган ҳўжалик ишларини таҳлил қилиб, шундай ҳулосаға келиш мумкин. Уларнинг аксарияти давлатға галла етказиб бериш юзасидан тайёрлиб идораларнинг контрактация шартномалар бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлар. Оқибатда фермер ҳўжалиқларига нисбатан давво кўзғатилиб, улардан берилган бунакларнинг махсусот билан қопланмаган қисми бўйича қардорликни ундириш ва топирилмаган галла қийматидан 25 фоиз жарима тўлаш белгиланди.

Хўш, фермерлар неға контрактация шартномалари шартларини бажармади? Бунинг сабаблари неға? Фермерларнинг айтишича, ҳосилдорлик асосий равишда ошириб белгиланган. Машина-трактор парки жамиятлари томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаган, яъни ўз вақтида ерлар шудгорланмаган. Етиштирил-




АКМАЛЖОН ҚОСИМОВ

да Ўрта Осиё давлат университетининг биология факультетида, 1961-64 йилларда Москва шаҳридаги Биофизика институти аспирантурасида таълим олди. 1965 йилда номзодлик, 1977 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

илмий-педагогик қобилиятини намойиш этди. 1995 йили у Олий Мажлис депутатлигига сайланиб, 1995-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди, мамлакатимизда қонунчилик асосларини мустақамлаш ишига ўз хиссасини қўшди.

А.Қосимовнинг биология соҳасидаги илмий ишлари илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, у Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоллигига сайланган эди.

И. ҚАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АБДУВОҲИДОВ, А.АЗИЗҲУЖАЕВ, Р.ҚОСИМОВ, Т.ЖҲҲРАЕВ, Б.ЙҮЛДОШЕВ.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

НАТО ҳарбийларига ҳужум

Кобулда НАТО тинчликпарвар кучларига тегишли автотомобилга уюштирилган ҳужум оқибатида бир норвегиялик ҳарбий ҳалок бўлди, бири жароҳатланди. Бу ҳақда НАТОнинг матбуот котиби хабар берди.

Олти кунлик қамал

Исроил армияси Ғазо секторидagi Тел-Султон аҳоли пунктини олти кун қамал қилиб турди. Биринчи бор ҳарбийлар бу ҳудудга ўтган сешанба кuni бостириб киришганди.

Ҳарбий амалиётлар чоғида 40 нафар палестинлик қурбон бўлган, ўнга яқин уйлар бузиб ташланган.

Йўлдаги фожиа

Қашмирда ҳарбийлар ва уларнинг оилалари кетаётган автобус тўсатдан портлаб кетди. Оқибатда 33 одам қурбон бўлди, 15 киши жароҳатланди.

Пекин норози

Расмий Пекин Тайванда ўтказилган Чень Шуйбяннинг президентлик лавозимини эгаллаш маросимига ўз норозилигини билдирди. Хитой ҳукуматининг юқори лавозимли вакилининг таъкидлашича, мазкур тадбир гўё Тайван мустақиллигига бағишланган тарзда ўтказилган.

Терминал томи қулаб тушди

Париждаги Roissy-Charles de Gaulle аэропорти терминалларидан бирининг томи қулаб тушди. Аэропорт маъмуриятининг журналистларга берган маълумотида айтилишича, олти киши ҳалок бўлган, ўнга яқин одам турли даражада тан жароҳати олган.

Кутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, йўловчилар ўтиши учун мўлжалланган 50-30 метрлар чамасидаги темир кўприк пастга қулаб тушган. Ҳозирча фожиа сабаби аниқланганича йўқ.

Сутдан захарланишди
Яқшанба кuni эрталаб Киев шаҳар шифоналарига 240 нафар бола келтирилди. Украина Фавкулодада вазиятлар вазирилик бу ҳақда хабар тарқатди. Маълум бўлишича, болалар сифатсиз сут маҳсулотларини истеъмол қилиши оқибатида захарланган.

Келер — Германия президенти

Яқшанба кuni Германияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакатда давлат раҳбарини Федерал мажлис аъзолари сайлайди. Мазкур орган Конституция бўйича беш йилда бир марта фақат ана шу мақсадда чакирлади.

Бу сафар Бундестаг биносида бўлиб ўтган сиёсий тадбирда 1 минг 205 нафар (Бундестагдан 602 нафар ва мамлакат ерлари парламентларидан 603 нафар) депутат иштирок этди.

Mitsubishi ёрдамга

муҳтож



дан чиқиши мумкин эмиш. Машина ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган компания хизматчиларининг 30 фоизи қисқартирилиши режалаштирилган.

Шумахер рекордни янгилай олмади

Автопоёга муҳлислари «Формула — 1» чемпионатининг Монакода ўтказилган олтинчи босқичи бу йилги мавсумдаги бешта пойғайда ғалаба қозонган Михаэль Шумахер учун муваффақиятга тугашига шубҳа қилишмаганди.



Ҳукумат шакланмоқда

Ҳиндистон янги бош вазири Манмохан Сингх яқшанба кuni асосий вазирликларга раҳбар тайинлади.

Омади Бор экан

Гватемала киргоқлари яқинида чўкиб кетиш хавфи остида турган икки кема қутқариб қолинди. Улар Эквадордан 200 нафар муҳожирни олиб ўтатган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 30 апрель.

12

либ тушган маблағларнинг манбалари ва миқдорлари тўғрисидаги, шу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги, сиёсий партиянинг қўймати ҳам кўрсатилган мол-мулк тўғрисидаги, шунингдек мазкур партиянинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами пул маблағларидан бошқа шаклда олинган тақдирда, сиёсий партия уни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ пул ифодасида баҳолайди ва тегишли маълумотларни, шу жумладан хайрия ёрдами берувчи ҳақидаги маълумотларни сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида киритиши лозим.

17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари

Сиёсий партиянинг ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинмади.

18-модда. Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партиялар томонидан сарфланиши устидан назорат

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши

10

рия ёрдами беришга чеклашлар йўқлиги ҳақида белги қўйди.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадидаги ўтказиши лозим.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдами беришда уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб varaгига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этган ҳақда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказиши лозим.

15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар

Сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тартиқларидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами қўйиладиган томонидан берилишига йўл қўйил-

8



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил

5-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг барча учун очиқлиги

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг мазкур партиялар аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлиги сиёсий партияларнинг ўзи томонидан таъминланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши ҳамда манбалари ҳақида ахборот эълон қилиб туриши керак.

6-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ва бошқа маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланиши

Сиёсий партиялар молиявий ва бошқа маблағлардан қонунда ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланади. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг мол-мулк ва пул маблағлари сиёсий партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Сиёсий партияларга, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига банк муассасаларида биттадан ортиқ ҳисоб-китоб varaгига, шунингдек чет эл банкларида ҳисобварақларга эва бўлиш тақиқланади.

II. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ

7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайлов якунлари бўйича “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини

3

мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб varaгига белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан: сайловдаги кўргазмалы ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловдаги фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа маблағлардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

9-модда. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкил этиш, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратилган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

10-модда. Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби

Сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағларидир.

Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб varaқларига белгиланган тартибда

5

Муҳтарам муштарийлар! «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда тахририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги илмий энциклопедияни нашр қилди. Иккинчи ярим илмий энциклопедия 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга ишонингиз!

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади Ушбу Қонуннинг мақсади сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Буқлаш чизиғи

ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси амалга оширади.


V. ЯКУЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

19-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари юзасидан давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 30 апрель.

Кўргазма



Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида расом Светлана Жмакинанинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

Уни ҳақли равишда ўзбек элининг расоми деб аташ мумкин. Ўзбекистонда туғилиб ўсган мусаввир ана шу заминга болалигиданоқ

Гуллар шайдосу

меҳр кўйди, бағри кенг ўзбек халқи руҳи унинг қон-қонига сингиб кетди. Қадимий мейморий иншоотлар, ўзбек санъати, оддий халқнинг турмуш тарзи, ўлкамизнинг гўзал табиати унга доим илҳом бағишлаб келди.

С. Жмакина 1977 йилда П.Беньков номидаги Республика рассомчилик билим юртини, 1980 йилда Тошкент театр ва рассомчилик институтининг китоб

графикаси бўлимини тугатди. Устози Евгений Мельниковдан мусаввирлик сирларини ўрганган. Хозирда Республика тасвирий амалий санъат лицей-интернатда ёшларга тасвирий санъатдан сабоқ бермоқда.

Мусаввир иқдорининг аксариятини натормортлар ташкил этади. У гуллар шайдосу. Шу боис асарларида табиат чечакларини шундай жонли ифода этадики, кўргазманда томоша қилар экансиз, ранг-баранг гуллар

ифорини туйгандек бўласиз. Атроф-олам гўзаллиги бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Мусаввир ижоди сизни хайратга солади. Зеро, гўзал қалбгина нафосатни шундай чуқур ҳис этади ва ўзгаларни ҳам унга ошно этади. Унинг «Бархор куйи», «Парвоз» асарлари, «Мойчечак», «Сарик гўлдаста» натормортларини кўздан кечирган ҳар бир санъат муҳлиси бунди дилдан ҳис этади.

М.ФАЙЗ.

Жиззахда табиат музейи

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан Жиззахда табиат музейи ташкил этилди. Музей учун ажратилган бинони таъмирлаш ва экспонатлар билан жиҳозлаш ишлари «Жиззах-Биоспектум» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Музейга мамлакатимиз худудида яшовчи Тянь-шань айғи, кўнғир айқ, тик шоҳли жайрон сингари ноёб хайвонлар, қушлар, судралиб юрувчилар ва балликларнинг қотирилган нусхалари қўйилган.

Музей қошидаги Экологик таълим марказида ёшлар учун экология дарсларини ўтиш йўлга қўйлаётгани эса кенг жамоатчиликнинг бу соҳадаги билимларини оширишга хизмат қилади.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT. ОЧИҚ ЭШИКЛАР ҚУНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. 29 май куни соат 10.00 да Тошкент Халқаро Вестминстер университети барча абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини университетга таклиф қилади.

ни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Сиёсий партияларнинг уставада назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январиди ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдориди шакллантирилади.

Киркиш чизиғи

майди: чет давлатлар; чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар; чет эл фуқаролари; фуқаролиги бўлмаган шахслар.

IV. МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ҲАМДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ УЛАРДАН БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДАДА ФОЙДАЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисобдорлиги Сиёсий партиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳисобдорлиги ҳисобдорлигини амалга оширади.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига ҳисобот даврида келтирилган

8-модда. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буқлаш чизиғи

4

Ўтказилади. Молия йили учун ажратилган, лекин шу йил мобайнида сиёсий партия томонидан фойдаланилмаган давлат маблағлари молия йили тугагандан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

Киркиш чизиғи

III. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

12-модда. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами олиш ҳуқуқи

Сиёсий партия хайрия ёрдами фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан хайрия ёрдами бериш ихтиёрий равишда ва уларнинг фақат ўз маблағларидан амалга оширилади, ушбу Қонун 15-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган манбалардан олинган маблағлар бундан мустасно.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган чеклашлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари сифатида оладиган иш ҳақига татбиқ этилмайди.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январиди ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдами беришда уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига юридик шахслар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қондаларида назарда тутилган реқвизитларни кўрсатган ҳолда ўтказиши ва тўлов топшириқномасида ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган хай-

Буқлаш чизиғи

11-модда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштириш партия фаолияти тўхтатиб турилган ёки тугатилган тақдирда тўхтатиб турилади ёхуд тугатилади. Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун қуйидагилар ҳам асос бўлиши мумкин: қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сиёсий партиянинг қайта ташкил этилганлиги (бошқа сиёсий партияларга қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бундан мустасно); ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларида назарда тутилган талабларнинг сиёсий партия томонидан бажарилмаганлиги; сиёсий партия давлат маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланганлиги, шу жумладан уставада назарда тутилган фаолият учун ажратилган маблағлардан сайловда иштирок этишни молиялаштириш учун фойдаланганлиги. Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор устидан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин. Сиёсий партия қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганда сиёсий партиянинг ҳуқуқий вояси давлат томонидан молиялаштирилиш ҳуқуқига эга бўлади.

6

Корхона ўзи тайёрлаган ҳар хил турдаги МЕБЕЛЛАРНИ ва 16, 25, 40, 25x25 мм. диаметрдаги металл қувурларни арзон нархларда таклиф этади.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ. Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12-уй) эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2004 йил июнь ойининг қуйидаги кунларида ўтказилади (қатнашчиларни рўйхатга олиш Давлат тест маркази биносида соат 8.30дан 9.00гача).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг собиқ ўринбосари Ақмаджон ҚОСИМОВнинг вафот этганини қайғу билан маълум қилади ҳамда марҳумнинг оиласига, қариндош-уруғларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ALUCOVON SERVIS ... Стильная одежда для Вашего здравья! ALUCOVONBOND изготвление деталей и монтаж под ключ прямые поставки ALUCOVONBONDA из Китая под заказ АЛЮМИНИЕВЫЕ ДВЕРИ, ОКНА, ВИТРАЖИ

Республика Шополинч тиббий ёрдам илмий маркази бошқаруви ва жамоаси марказнинг катта илмий ходими Анивер Бориевич ВОХИДОВнинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади «ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини Тарих институти жамоаси институт илмий ходими Галина Урбановна онаси ПИНСЬЕВ УРАЗАБЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.